8 796

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

18 июнь, сешанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 122 (1375)

## АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК БЎЛСИН

Республикамиз раҳбарияти мамлакатда қурилиш ишларига, айниқса, биринчи навбатда топширилиши лозим бўлган иншоотларга катта эътибор бермоқда.

Президентимиз Ислом Каримов 15 июнь куни Темурийлар тарихи давлат музейининг барпо этилиши жараёни билан танишди. Ҳозир музейда пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Унинг очилиш маросими Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги байрамига мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари меъмор ва қурувчиларга музейнинг безаги хусусида маслаҳатлар берди. Музейнинг умумий ҳажми 60 минг куб метр, кўргазма залларининг майдони 2200 квадрат метрни ташкил этади. Президент мазкур музей тарихимизнинг тарғибот марказига айланиб қолиши лозимлигини таъкидлади. Кишиларимиз, айниқса ёшлар бу даргоҳдан жонли ва қизиқарли маълумотлар олиб чиқиб кетиши зарур. Музейга ташриф буюрганларда буюк аждодларимиз, хусусан мислсиз саркарда ва давлат арбоби, маърифатпарвар, бугунги кунда тарихий ёдгорликка айланиб қолган биноларни барпо этиш ташаббускори Амир Темурнинг ҳаёти ва кўп қиррали фаолияти ҳақида имкон борича ёрқин ва бой таассурот қолсин.



Республикамиз раҳбари музей экспонатларини жойлаштириш масаласи билан атрофлича танишиб чиқди, Тошкентнинг Шайхонтоҳур туманида қурилиши режалаштирилаётган «Чорсу» спорт-соғломлаштириш мажмуи макетига баҳо берди, Самарқандда Амир Темур ҳайкалини ўрнатиш мўлжалланаётган жой хусусида мулоҳаза билдирди, Ўзбекистон пойтахти гербининг эскизлари билан танишди. Президент республика меъморлари, қурувчи ва лойиҳачиларини енгил ва чидамли конструкциялардан фойдаланиб, мустаҳкам ва сифатли бинолар қуришга даъват этди.

Президентнинг Темурийлар тарихи давлат музейига ташрифи чоғида унга республика Бош вазири Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ҳамроҳ бўлдилар.

**С. Зуфаров олган сурат (ЎзА).**

## АСАКАГА ЗИЛОЛ СУВ КЕЛДИ

***Хонободнинг зилол суви Асакага ҳам етиб келди. Шу муносабат билан бу ерда тантанали митинг бўлди.***

Хонобод-Андижон катта ҳажмдаги қувурларидан Асака шаҳригача бўлган 15,3 километрлик масофага қисқа фурсат — беш ой ичида қувур ётқизилди. Энди Асака шаҳрига ҳар кеча-кундузда 45 минг куб метр ичимлик суви келмоқда.

Тантанали митингга тўпланган шаҳар фаоллари ва жамоатчилик вакиллари мамлакатимизда аҳолининг ичимлик суви ҳамда табиий газга бўлган эҳтиёжини қондириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар қувончли натижалар бераётганини таъкидлашди.

Янги сув йўлининг очилиши маросимида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков нутқ сўзлади.

Тантанада республика Бош вазирининг ўринбосари Р. Юнусов ва Андижон вилояти ҳокими Қ. Обидов иштирок этди.

**(ЎзА).**

## ПИЛЛАКОРЛАР ЗАФАРИ

Жиззах вилояти пиллакорлари қабул пунктларига 383 тонна қимматбаҳо саноат хомашёси топширди. Пахтакор, Арнасой, Дўстлик ва Зафаробод туманлари пиллакорлари бу муваффақиятга салмоқли улуш қўшди. Улар ҳар қути ипак қуртидан ўртача 50-55 килограммдан ҳосил олди. Вилоят пиллакорлари ялпи хирмонни 400 тоннага етказишга аҳд қилдилар.

## БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси вице-президенти Минору Кубота раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, молия вазири Бахтиёр Ҳамидов меҳмонлар билан мамлакатимиз ва Япония ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, юртимизда амалга оширилаётган биргаликдаги лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш хусусида суҳбатлашди. Ўзбекистонда жаҳон талабларига жавоб берадиган темир йўл вагонларини таъмирлаш бўйича замонавий завод қурилишини бошлаш масаласи учрашув иштирокчилари диққат марказида бўлди.

Суҳбат якунида Тошкентда вагонларни таъмирлаш заводи қурилиши бўйича икки мамлакат ўртасида кредит битими имзоланди.

Учрашувда Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Укэру Магосаки ҳозир бўлди.

**(ЎзА).**

## ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг пленуми бўлди. Унда партиянинг парламентчилик фаолиятини янада ривожлантириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Марказий кенгаш биринчи котиби А. Жалолов шу ҳақда маъруза қилди.

Пленумда, шунингдек, Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгашининг партия миллий истиқлол мафкурасини тарғиб этиш ва татбиқ қилишга оид ишлари тўғрисидаги ахбороти ҳам тингланди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов иштирок этди.

**(ЎзА).**

## «КЕЙС»ЛАР АЙНИҚСА ҚЎЛ КЕЛЯПТИ

Самарқанд вилояти ғаллакорлари ҳам ўрим-йиғимни бошлаб юборди. Пахтачи тумани деҳқонлари далага биринчилар қатори комбайнларни олиб чиқди. Ўрим-йиғимда Американинг «КЭЙС» комбайнлари айниқса қўл келмоқда. Дастлабки натижалар туманда ғалла ҳосилдорлиги гектар бошига 40 центнердан кам бўлмаслигини кўрсатмоқда.

Бу йил самарқандликлар 249 минг тонналик ғалла хирмони уюшга аҳд қилган.

## ЎЗБЕКИСТОН: МУСТАҚИЛЛИКНИНГ БЕШ ЙИЛИ

***Шу йил 13 июнь куни Америка Қўшма Штатларидаги Бостон коллежида «Ўзбекистон: мустақилликнинг беш йили» мавзусида илмий семинар бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси экологияси, нуфуси, сиёсат ва иқтисодиёти муаммолари кўриб чиқилди.***

Гарвард университети ва Бостон коллежининг етакчи олимлари минтақа хавфсизлиги муаммоларини, бу жараёнда Ўзбекистон ва унинг Президенти Ислом Каримовнинг тутган ўрнини, Марказий Осиё мамлакатлари интеграцияси ва МДҲ интеграцияси масалаларини, нуфус вазияти ва миллатлараро муносабатларни, демократиялаш ва янги сиёсий тизимни қарор топтириш, иқтисодий ислоҳотлар масалаларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликнинг гарови экани алоҳида таъкидланди. Президент Ислом Каримовнинг мустақилликнинг дастлабки йилидан бошлаб ўтказаётган аниқ ва изчил сиёсати бу минтақада можаро чиқиши эҳтимолини бартараф қилди. Ўзбекистоннинг Тожикистон ва Афғонистондаги можарони бартараф этишга доир ташаббуси жаҳон ҳамжамиятининг эътибори ва қўллаб-қувватлашига лойиқдир.

Иқтисодиётни босқичма-босқич ислоҳ қилишнинг Ўзбекистон танлаган йўли олимларда катта қизиқиш уйғотди. Бу йил МДҲ мамлакатлари орасида ишлаб чиқариш инқирозининг энг кам бўлишини таъминлади. Бугун эса иқтисодиётнинг аста-секин юксалаётгани тўғрисида гапириш мумкин. Ўзбекистоннинг энергетика, автомобилсозлик соҳаларидаги, ғалла мустақиллигини таъминлашдаги ютуқлари, шунингдек хусусийлаштириш ва мулкдорлар синфини вужудга келтириш борасидаги изчил ислоҳотлар таҳсинга лойиқдир.

Семинарнинг якунловчи мажлиси Бостон яқинидаги Кембриж шаҳрида, кўпчиликнинг фикри бўйича фақат АҚШдагина эмас, бутун дунёда биринчи дорилфунун ҳисобланадиган Гарвард университетида бўлиб ўтди.

Гарвард университетини битирган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Содиқ Сафоев Ўзбекистондаги сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар ҳақида маъруза қилди.

Шу ерда, Гарвард университетининг клубида «Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти» китоби билан таништириш маросими бўлди. Китоб муаллифлари профессор Д. Карлайл ва таниқли сиёсатшунос Л. Левитин сиёсатчи ва ислоҳотчи Ислом Каримовнинг кучли ва ёрқин шахс эканлиги бутун дунёда катта қизиқиш уйғотаётганини таъкидладилар. Муаллифларнинг мақсади китобхонларни жаҳон сиёсатининг етакчиларидан бири билан таништириш, гўзал Ўзбекистон ва унинг одамлари ҳақида ҳикоя қилишдир.

Китоб билан таништириш маросимида сўзга чиққан олимлар, жамоат арбоблари ва тадбиркорлар АҚШ билан Ўзбекистон ўртасида алоқаларни йўлга қўйишнинг муҳимлиги ва зарурлиги тўғрисида гапирдилар. «Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти» китоби америкалик китобхонга Ўзбекистон ва унинг раҳбарини яхшироқ билиб олишда ёрдам беради. Бу Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг АҚШга ташрифи арафасида, айниқса, муҳимдир. Китоб билан таништириш маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси С. Сафоев иштирок этди.

**Малик ҚОДИРОВ. (ЎзА).**

## ҚАШҚАДАРЁ ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

Қаршида вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шу йил 11 июнь куни вилоятга қилган сафари чоғида ўртага қўйган вазифалар, шунингдек, 2000 йилгача бўлган даврда вилоят қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш тадбирлари тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Вилоят ҳокими О. Пармонов шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбарининг сафари вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта воқеа бўлганлигини таъкидладилар. Юртбошимиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида иқтисодий ислоҳотлар қандай амалга оширилаётгани, пахта, ғалла, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш масалалари билан яқиндан танишди, меҳнаткашлар билан суҳбатлашди. Йиғилишда юртбошимиз сафар чоғида берган амалий кўрсатма ва тавсияларни бажариш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

## БЮСТ ЎРНАТИЛДИ

***Бухоронинг эски шаҳар қисмида Файзулла Хўжаев бюстининг очилишига бағишланган митинг бўлди. Унда вилоят ҳокими М. Раҳмонов Файзулла Хўжаевнинг набираси Рудольф Бархет ва бошқалар сўзга чиқиб, Файзулла Хўжаевнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида гапирдилар, у ҳақидаги хотираларидан сўзлаб бердилар.***

Бухоро шаҳри жамоатчилиги вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёшлар шу куни Файзулла Хўжаев уй-музейини зиёрат қилди. Кечқурун Садриддин Айний номидаги мусиқали драма театрида Файзулла Хўжаев таваллудининг юз йиллигига бағишланган йиғилиш бўлди, шунингдек, унинг ҳаёти ва фаолиятидан ҳикоя қилувчи театрлаштирилган томоша кўрсатилди.

***Урганчда буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги ва Хева шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди. Хоразм вилоят ҳокимлиги ва Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университети ҳамкорликда ўтказган бу анжуманда республика таниқли олимларининг Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти, кўҳна Хеванинг тарихига доир маърузалари тингланди.***

## ОҚ ЙЎЛ, «ТИКО»!

***Асакадаги Ўзбекистон-Жанубий Корея «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди: завод ишлаб чиқара бошлаган «Дамас» микроавтобуслари қаторига энди «Тико» енгил автомобиллари ҳам қўшилди.***

Жаҳон бозори талабларига жавоб бера оладиган, ёқилғини кам сарфлайдиган мазкур ихчам ва бошқаришга қулай автомобиль энди йилига 50 минг донагача ишлаб чиқарилади. Республикамиз аҳолиси эҳтиёжини қондириш билан бирга четга ҳам экспорт қилинади. Қувончли томони шундаки, энг замонавий электрон аппаратлар ва роботлар билан жиҳозланган «Тико» ишлаб чиқариш линиясида кореялик мутахассислар билан бир қаторда водийлик йигитлар ҳам ёнма-ён меҳнат қилмоқда. Тез кунларда эса Асака автомобилсозлик заводининг учинчи «Нексия» машиналарини ишлаб чиқариш линияси ҳам ишга туширилади. Шундай қилиб, яқин келажакда қўшма корхонада йилига 200 минг дона Ўзбекистон автомобилини йиғиш йўлга қўйилади.

## ЯНГИЛИКЛАР

*Кеча, бугун, эртага*

«Халқ сўзи» ва «ЎзА» мухбирлари хабар қиладилар



***Фарғона вилоятидаги Бешариқ туманида 8170 гектар ерга бошоқли экинлар экилган. Айни пайтда зироат майдонларидан 30920 тонна дон йиғиштириб олиниши режалаштирилаяпти. Бу бултургидан икки баравар кўпдир. Туман далаларида ғалла ўрими жадал давом этаяпти.***

***СУРАТДА: Яккатут ширкатлар уюшмаси комбайнчиси (чапдан ўнга) Шокирбой Абдулҳакимов, туман агрофирмаси етакчи мутахассиси Шукуржон Бўриев ва комбайнчи Алижон Нишоновлар.***

***Турғунали ҲОШИМОВ олган сурат.***

## НУКУС ТЕННИС МАЖМУИ

***Қорақалпоғистон Республикаси пойтахтининг хушманзара гўшаларидан бирида жаҳон андазалари асосида қурилган теннис мажмуи фойдаланишга топширилди. 600 ўринли бу спорт кошонасида бешта корт, гўзаллик салони, ошхона ва бошқа маданий-маиший хизмат корхоналари мавжуд.***

Теннис мажмуининг очилиши муносабати билан бўлиб ўтган шаҳар жамоатчилик вакиллари митингида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков сўзга чиқди.

***Наманган вилоятида атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва саломатлик ўн кунлиги ўтмоқда. Унинг биринчи кунида кўчалар, хиёбону боғларни озода ва кўркам қилиш, ҳовузларнинг сувини тиниқлаштириш бўйича умумхалқ ҳашари ўтказилди. Ўн кунлик доирасида ёш авлодни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш руҳида тарбиялаш муаммоларига бағишланган вилоят кенгаши бўлди. Унда халқ таълими соҳаси ҳамда ёшлар ташкилотлари вакиллари қатнашди.***

## ЭКОЛОГЛАР ҲАМКОРЛИГИ

***«ЭКОСАН» халқаро экология ва саломатлик жамғармасида ўтказилган учрашувнинг мақсади табиат манфаатлари учун Жаҳон жамғармасининг Покистон бўлими билан бевосита алоқа ўрнатиш эди. Учрашувда жамғарма фаоллари, эколог олимлар, мазкур жаҳон жамғармасининг Покистон бўлими вакиллари — шу ташкилотнинг бош директори Али Х. Хабиб ва ташкилот вице-президенти Мухтор Аҳмад Бригадиёр иштирок этди.***

Меҳмонлар табиат манфаатлари учун жаҳон жамғармаси Покистон бўлимининг фаолияти тўғрисида ўзбекистонлик касбдошларига сўзлаб бердилар. Учрашув чоғида иккала жамғарма ўртасида ҳамкорлик режалари белгиланди. Ўзаро ахборот алмашиш, олимлар ва мутахассислар делегацияларини айирбош қилишни йўлга қўйиш, табиат муҳофазаси мавзусида қўшма анжуманлар ўтказиш назарда тутилмоқда. Учрашувда Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Шафқат Али Шайх иштирок этди.

## ЛОХУРДА СОҲИБҚИРОН ЖАМҒАРМАСИ

Покистоннинг йирик маданий ва илмий маркази ҳисобланган Лоҳур шаҳрида Амир Темур халқаро жамғармасининг бўлимини очиш мўлжалланмоқда. Жамғарма раҳбарлари, республикамиз маданият арбоблари ва жамоат ташкилотлари вакилларининг Покистон ёзувчилари гуруҳи билан Тошкентда бўлиб ўтган учрашувида шу ҳақда қарор қабул қилинди. Учрашув чоғида Амир Темур халқаро жамғармаси бошқарувининг раиси академик Бўрибой Аҳмедов ва Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Шафқат Али Шайх иккита ҳужжатни: ҳамкорлик тўғрисидаги муддаолар протоколи ва меморандумни имзоладилар. Покистонлик таниқли ёзувчи Тоҳир Аслом Гора жамғарманинг Лоҳур бўлими раиси этиб тайинланди. Бўлим Амир Темур ва темурийлар даврига тааллуқли қўлёзмалар, китоблар ва ҳужжатларни излаш, тадқиқотчилик фаолияти билан шуғулланади. Унинг ходимлари Тошкентда қурилаётган Темурийлар тарихи давлат музейи учун экспонатларни танлашда ҳам ёрдам берадилар.

## БОЗОРЛАРГА БАҒИШЛАБ

Жиззахда бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида ана шу масала — республика Вазирлар Маҳкамасининг деҳқон бозорларини тартибга солиш тўғрисидаги қарори қандай бажарилаётгани муҳокама қилинди. Сўзга чиққанлар бу борада муайян ишлар амалга оширилгани, бироқ, ечимини кутаётган муаммолар ҳам оз эмаслиги ҳақида тўхталдилар. Йиғилишда, шунингдек, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишини тубдан яхшилаш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Вилоят ҳокими А. Тошкенбоев йиғилишда сўзга чиқди.

## ЧЎПОНОТАДА САВДО МАРКАЗИ

Чўпонота тепалиги самарқандликлар ва шаҳар меҳмонлари билан гавжум бўлди. Бу ерда улкан савдо маркази очилди. Унинг атрофида боғ барпо этилди. Чойхона ва дам олиш оромгоҳлари, юз ўринли меҳмонхона қурилди. 15 минг квадрат метр майдонни эгаллаган бу марказда асосан улгуржи моллар савдоси уюштирилади.

*Ташаббус*

# ИНСОНЛАР ҚАНЧАЛИК САХОВАТЛИ БЎЛСА, ДАВЛАТ ҲАМ ШУ ҚАДАР БУЮК БЎЛАДИ

## ёки фарғонача вақф

***Исломда вақф тушунчаси мавжуд бўлиб, араб тилида «вақф» — муайян хайрия ишлари учун ажратилган ва ўзга мақсадда фойдаланишдан муҳофазаланган мол-мулк», дегани.***

Уламоларнинг таъкидлашича, Маккадаги муқаддас Каъба илк вақф бўлиб, 3 суранинг 96 оятида у, ибодат учун инсонларга ажратилган биринчи бино сифатида номланади. Диний бинолардан ташқари жамиятнинг муҳтож табақаларини мададлаш, кутубхоналар, илмий-тадқиқотлар, таълим-тарбия, атроф муҳитни муҳофазалаш, боғу роғлар ва йўллар барпо этиш ишларига давлат ва айрим кишилар томонидан эҳсон этилган вақфлар ҳам мавжуд бўлиб, улар хайрия вақфлари дейилади.

Вақф ғояси мозийдан маълум бўлиб, қадимги Юнон ва Римда кутубхоналар ва илм-таълим учун махсус мол-мулк ажратилган. Ҳозирги кунда вақф ғояси бутун дунё узра тадбиқ этилади. Шимолий Америкада, у, «фонд» номи билан маълум бўлиб, биргина АҚШда ўн минглаб хайрия фондлари мавжуд. 1975 йили «Шимолий Америка Ислом Васийлари» ташкилоти тузилиб, хайрия вақфларини ўз қарамоғига олди. Турли мусулмон давлатларида вақф ва дин ишлари бўйича вазирликлар мавжуд. Ҳиндистонда вақф масалалари Адлия вазирлигининг қарамоғига ўтказилиб, унга давлат мақоми берилган. Яъни, вақфни исломий ёхуд биргина диний қурилма деб кўрсатиш нотўғридир. Совет даврида эса коммунистлар вақфни мусулмон руҳонийларининг бойиш манбаи сифатида таърифлаб, қоралашган. Аммо, моҳиятан ўзлари ҳам вақф тамойилларидан фойдаланишга уриниб, ижтимоий суғуртани жорий этишга интилганлар.

Республикамизда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида юртбошимиз белгилаб берган тамойиллардан энг муҳими — давлат томонидан амалга ошириладиган кучли ижтимоий ҳимоя ҳисобланиб, унга барча вилоятларда катта аҳамият берилиши бежиз эмас.

Президентимиз кўрсатмаларини фаол равишда ҳаётга татбиқ этиб, хайрия вақфининг том маъносини тиклаб, якка-ёлғиз қарияларга кўмаклашиш, фуқаролик маросимларини ўтказишга яқиндан ёрдам кўрсатувчи «Мадад» хайрия жамғармасини таъсис этган Фарғона вилоятининг тажрибаси диққатга сазовор. Бу ерда аҳолини ижтимоий ҳимоядан баҳраманд этиш ниятида вилоят ҳокимияти минг йиллик урф-одатни ҳозирги кун талаблари билан уйғунлаштириб, аслида диний деб ҳисобланган қурилмани инсоний мавқега ўтказди.

Инсонни сўнгги сафарга кузатишга оид дафн ва турли маросимларни ўтказиш учун маҳалла, уй қўмиталари ҳамда жамоатчилик вакилларидан иборат комиссия ташкил этилиб, унинг тавсияси билан сарф-харажатлар учун маблағ ажратишга қарор қилинди. 1996 йил 13 апрелида вилоят ҳокими содир этган фармойишнинг дебочасида таъкидланганидек, мазкур жамғарма кўзлаган мақсад — «...Вилоят аҳолисини ижтимоий ҳимоялашни янада кучайтириш, айниқса, кам таъминланган оилаларга, якка-ёлғиз, қаровчиси йўқ қарияларга ёрдам бериш, мусибат тушган ҳолларда уларни дафн маросимларини ташкил этишда кўмаклашиш».

Нега энди бундай жамғарма тузишга эҳтиёж пайдо бўлди, деган савол туғилиши мумкин. Ҳаммаси, Фарғона вилоятининг ҳокими Мирзажон Исломов ҳузурига нажот излаб, дил дардини изҳор этишга келган бир рус аёли Л. Шуригинанинг сўзларидан бошланган эди:

«Туриш-турмушимиз эл қатори. Аммо фуқароларнинг шундай табақаси ҳам борки, ўзлари якка-ёлғиз, фарзандлари узоқ шаҳарларда, чет мамлакатларда яшайдилар. Ўзаро муносабатлар ҳам, оқибатлар ҳам узулиб кетган. Айримлари ҳаттоки ота-оналарини сўнгги йўлга узатишга ҳам келмайдилар. Ана шундай қарияларнинг айримлари «чиқмаган жондан умид», деб ўз ўлимликларини ҳам тайёрлаб қўймаган бўладилар. Тўғри, маҳаллаларда истиқомат қилиб келган яккабош қариялар вафот этганида, маҳалла аҳли, собиқ меҳнат жамоалари маросимларни ташкил этишни ўз зиммаларига олишади. Лекин, марҳум кўпчиликдан узоқ вақт ажралиб қолган бўлса-чи?

Ҳаётдан нолисак айб бўлади. Лекин баъзан лоқайдлик панд бериб қўяди.... Ўзбек халқининг инсонпарвар ва байналмилалчи фазилатларини билганим туфайли, қабулингизга келдим».

Ҳоким ўз ҳузурига тегишли ўринбосарларини таклиф этиб, масаланинг моҳиятини тушунтирди ва муаммони ҳал этишнинг ўзига хос янгича йўлини таклиф этди. Эртасигаёқ мутасадди муассасаларнинг раҳбарлари, турли дин эътиқодларининг намоёндалари тўпланди. Якка-ёлғиз қолганларга кўмак бериш, дафн маросимларини, лозим харажатларни кўтариш учун янги жамғарма таъсис этиш таклифи улар томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Мазкур хайрли ва савоб ишнинг айни муддао эканлигини таъкидладилар. Махсус жамғарма таъсис этиш ва унинг ишчи гуруҳини ташкил этишга қарор қилинди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари, «Маҳалла» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими раҳбари, Вазирлар Маҳкамаси қошидаги диний ишлар қўмитасининг вилоятдаги вакили, Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасининг вилоят бўйича бош вакили, Православ черкови мутасаддиси, «Корейс» марказининг раҳбари ва вилоят ҳокимлигининг мутасадди маъмурларидан иборат ишчи гуруҳ тузилди.

Мовароуннаҳр мусулмонлар идорасининг вилоят бўйича бош вакили У. Турдиев шундай деди: «Бир ғариб кўнглини олмоқ — савоби азимдир. Биз — дин пешволари бундай саъй-ҳаракатни чин дилдан қўллаб-қувватлаймиз, шу иш бошида турганларга ҳамиша дуодамиз».

Православ черковининг мутасаддиси Владимир Ота ўз ҳайратини қуйидаги сўзларда изҳор этди: «Оқибат, меҳр-мурувватнинг бу ёрқин ифодаси дилларимизга сурур ва таскин бахшида этди. Мазкур хайрли иш мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан кучли ижтимоий ҳимоя, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, ижтимоий адолатни барқарорлаштиришдек умуминсоний қадриятларни мустаҳкамлаш соҳасида олиб бораётган сиёсатнинг амалдаги ифодасидир. Биз — православ-христиан диндорлар, бу ғамхўрлик учун ўз черковларимизда мамлакат раҳбарлари номига ҳамду-санолар ўқиймиз ва янги тузилаётган жамғарма ишида фаол иштирок этамиз».

«Корейс» марказининг раҳбари Р. П. Лян ўз халқи номидан шундай деди: «Дастлаб қараганда, оддий туюлган бу хайрли ишнинг моҳияти — инсон эҳтиёжлари ва тақдири жамиятимизнинг энг бебаҳо қадрияти эканлигини яна бир бор исботлайди. Одамларни бир-бирига меҳрибон, оқибатли бўлишга ўргатади...»

Орадан бир неча кун ўтгач, «Мадад» жамғармасини таъсис этиш ҳақида фармойиш чиқди. Вилоят ҳокими янги жамғарма ҳисобига илк бадал сифатида ҳоким фондидан 200.000 сўм ўтказди.

Жамғарманинг мулки ва молиявий маблағлари таъсисчилар томонидан бериладиган мулк ва пул маблағларидан, давлат ва нодавлат корхона ва ташкилотлари, кооператив, маиший ва тижорат хизмат кўрсатиш муассасалари ҳамда айрим кишилардан ихтиёрий равишда тушадиган хайрия пулларидан ташкил топади. Дафн этилган фуқаролардан кейин қолган мулк ва уй-жойни «кимошди» савдосидан тушган маблағ ҳам шулар қаторига киради. «Мадад» хайрия жамғармаларини рўйхатдан ўтказиш, банкларда «Мадад» хайрия жамғармаларининг ҳисоб-китоб рақамини очиш мутасадди ташкилотларга топширилди. Дафн маросимидан сўнг якка-ёлғиз фуқародан қолган мулк ёки маблағ жамғарма ҳисоб счетига ўтказилиб, хайрия ишларига сарфланади.

Мазкур таомил янгилик бўлиб, асил вақф анъаналарини қайта «тирилтиришга» ёрқин мисол бўла олади. Азалдан вафот этганларнинг ёки узоқ сафарга кетиб, қайтмаганларнинг меросхўри бўлмаса, уларнинг мол-мулки вақф таркибига ўтказилиб, камбағаллар, етим-есирларга ёрдам беришга ишлатилган. Уларни дафн этиш ҳам айнан шу маблағлардан амалга оширилган. Устига устак, илгарилари вафот этганнинг меросхўри бўлмаган тақдирда, уни дафн этишга ҳисса қўшганлар маййитнинг мол-мулки устида талашиб, низолар чиққан ва ҳукумат идоралари уларнинг шикоятларини кўришдан қўли бўшамаган ҳоллар ҳам учраб турган. Оқибатда, жамиятдаги тотувлик бузилиб, давлат муассасалари ва фуқароларнинг вақти бекорга сарфланган. Энг муҳими — инсонлар орасидан меҳр-мурувват кўтарилган. «Мадад» жамғармаси мазкур нохушликларнинг сабабини олиб ташлаб, давлат идораларининг вақтини тежади, фуқароларнинг тинчлик-тотувлигини таъминлади ва турли миллат ва дин вакилларининг орасида меҳр-оқибат ўрнатди. Том маънода миллатлараро муносабатларни яхшилади.

«Илгарилари, — деб ҳикоя қилади «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг раиси С. Абдуллаев, — айрим якка-ёлғиз кишилар вафот этган чоғда улар югур-югур билан дафн этиларди. Қанча сарсонгарчилик, қанча тушунмовчиликлар юзага келар эди. Орада, гуноҳдан ҳам қўрқмайдиган баъзи «учар»лар пайдо бўлиб, бандалик қилган кишининг меросига кўз олайтирган ҳоллар ҳам учраб турарди. «Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир» бундай кимсалар ота-онаси ёки қавм-қариндоши олдидаги сўнгги бурчини бажариш ўрнига, иш битганидан кейин пайдо бўлиб, уялмай-нетмай меросхўрлик даъво қилар эдилар. «Мадад» жамғармаси тузилганидан сўнг бу иллатга барҳам берилди. Эндиликда, ёлғиз фуқаро бандаликни бажо келтирган тақдирда, «Мадад» фаоллари уни жамғарма ҳисобидан дафн этадилар. Унинг мулкий мероси эса «ким ошди» йўли билан сотилиб, тушган маблағ «Мадад» жамғармаси ҳисобига ўтказилади ва ҳеч кими ва пули йўқ фуқароларни дафн этиш, етим-есирларга паноҳ бериш ишларига ишлатилади».

Бугунги кунда Фарғона вилоятининг 21 шаҳар ва туманларида «Мадад» жамғармалари фаолият кўрсатмоқда. Барча шаҳар ва туманларда дафн маросимлари ўтказиш учун зарур бўладиган анжомлар ва маҳсулотлар билан савдо қиладиган «Мадад»га қарашли дўконлар ташкил этилиши ҳам барчанинг дилидаги муддао бўлиб чиқди. Марказлашган савдо шаҳобчаси ёки мавжуд дўкон қошидаги мазкур бўлимларда маросимларга лозим озиқ-овқат, матолар ва қурилиш материаллари олиш ташкил этилди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, бу жамғарма таъсис этилишидан олдин ҳам бу борада муҳим ишлар қилинган ва давлат қурилмалари мавжуд бўлган. Масалан, «Маҳалла» хайрия жамғармаларининг фаолияти ҳам айнан шу масалага қаратилган бўлиб, жамиятда инсонпарварлик туйғуларини бунёд этишга мадад бериб келган. Юртбошимизнинг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига биноан 1996 йили аҳолига 300 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатиш режалаштирилган. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш тўғрисидаги фармонга биноан вилоятнинг шаҳар, туманларидаги кўп қаватли уйлар жойлашган даҳаларда ҳам янгича маҳаллалар ташкил этилди. 3 мингдан ортиқ кўп қаватли уйларда яшаётган 270 мингга яқин одам 61 маҳаллага бирлаштирилди. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллаларда миллатлараро муносабатларнинг мустаҳкамланишига асос бўлмоқда.

Вақф маблағларидан камбағаллар, етим-есирлар, муҳтожлар, қамоқдаги шахслар ва бошқалар баҳраманд бўлиб келган. Вақф маблағларига касалхоналар қурилиб, беморларга мадад берилган. Мозорлар ҳам вақф қарамоғида бўлган. Ночор оилалардаги қизларга турмушга чиқишга кўмак берилган, ҳажга борувчиларга моддий ёрдам кўрсатилган, атроф муҳит муҳофаза этилган. Таълим-тарбия ишлари ҳам вақфдан баҳраманд бўлиб, эҳсонлардан мадад олиб келган. Яъни, вақф деганда фақат дафн маросимлари эмас, балки Ўзбекистон фуқаролари ҳаётининг турли томонлари қамраб олиниши мумкин. Фуқаронинг миллати ва диний мансублиги сира аҳамиятга эга эмас. Энг муҳими — вақф фақат муҳтожларга сарфланиб, бойларга ишлатилиши ман этилади. Яъни, халқнинг энг муҳтож табақалари жамият меҳр-мурувватидан баҳраманд бўлади.

Фарғонача вақф деганда ҳам айнан шу томонлар назарда тутилмоқда. Айнан шу сабабдан, «Мадад» жамғармасини тузиш ва унинг вазифалари ҳақидаги фармойиш маҳаллий матбуот саҳифаларида эълон қилинганида, у, барча фарғоналикларга чуқур таъсир этиб, миллати ва динидан қатъи назар, атрофдагиларга меҳр-саховат кўрсатишга, юртпарвар, инсонпарвар бўлишга даъват этди.

Фарғона вилояти ҳокимлигининг ташаббуси билан тузилган мазкур жамғарма тажрибаси нафақат миллатлараро балки динлараро муносабатларни ҳам мустаҳкамлаши қайд этилди. Мустақил давлат қуриш тамойилларимизга тўла жавоб берувчи ва лоқайдликни жамиятдан йироқлаштирувчи бу тажриба жойларда тадбиқ этилиши айни муддао.

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат деганда бир нарсани унутмаслик лозим. Ҳар бир давлатнинг келажаги, авваламбор, унда истиқомат этувчи инсонларнинг қўлида бўлиб, уларнинг тақдири билан боғлиқ. Ҳар бир инсон ва барча инсонлар нақадар саховатли ва улуғ бўлса, давлат ҳам шу қадар буюк бўлади. Буюк келажак ғойибдан пайдо бўлмайди, биз уни ўзимиз яратишимиз лозим. Буюк келажак деганда нафақат моддий, балки даставвал маънавий юксаклик назарда тутилади. СССР даврида бизга коммунистик марказдан туриб ҳукмронлик юритган манқуртлар Кремль деворлари ортида ўзлари учун яратган коммунизмда яшашган. Бироқ Ўзбекистон халқининг аҳволи ва истиқболи ҳеч кимни қизиқтирган эмас.

Озод Ўзбекистон янада қудратли бўлишини истасак, биз, ишни заифларга мадад беришдан бошлаб, Амир Темур шиори «Адолат — куч» бўлганини сира унутмаслигимиз лозим.

**Ҳамидулла КАРОМАТОВ,**
**профессор.**
**Фотиҳбек АЗИМОВ,**
**Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари.**




## СУД ПОЛИЦИЯГА КЕНГ ВАКОЛАТЛАР БЕРДИ

АҚШ Олий суди ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига қонунбузарларни ахтариш ва қўлга олишда жуда кенг ваколатлар бериш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилди. Судьялар полициячиларга йўл қоидаларини бузганлиги учун автомобилларни вақтинча ушлаб туриш ҳуқуқини ҳам берди. Суд вақтинча ушлаб туриш фуқароларнинг конституцион ҳуқуқларига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаслигига эътиборни қаратди.



*Корея. Кўргазмалар майдони.*

## НОСТРАДАМУС ШАЙДОЛАРИ УНИНГ ҚАБРИНИ ҚАЗИШДИ

XVI асрда яшаб ўтган астролог Нострадамуснинг тўрт нафар ишқибози Франциянинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлган Тулонда 1976 йил дафн қилинган 77 ёшли қари хотиннинг қабрини қазиб, ундан тобутни чиқариб олишди. Полиция «гўрков»ларни қўлга олганда улар Нострадамус қабрини адаштириб юборганликларини тан олишди.

## МАФИЯГА ҚАРШИ ЎТ ОЧИЛДИ

Нью-Йорк ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари энг йирик мафия гуруҳини фош этишди. Оилавий жиноий гуруҳ бошлиғи Женовез қамоққа олинди. У рэкет билан шуғулланишда айбланмоқда. Айбловга қараганда, ушбу оиланинг уч нафар ва жиноий гуруҳнинг 16 нафар аъзоси қотилликда, одамларни қўрқитиб пулини олишда айбланмоқдалар. Полициянинг фикрича, улар қонунсиз 20 миллион долларни ҳазм қилиб юборишган. Шунингдек, бу гуруҳ Нью-Йорк кўчаларида бўлиб ўтадиган энг оммавий байрамлар ва черков ҳамда бошқа ҳайрия мақсадларига ажратилган пулларни қонунсиз равишда ўзлаштирганликда ҳам айбланишмоқда.

## ҚЎЗҒОЛОНЧИЛАРНИНГ ҚИШЛОҚҚА ҲУЖУМИ

Шри-Ланкадаги Тамиль қўзғолончилари қўққисдан сингал этник гуруҳи яшайдиган қишлоққа ҳужум қилиб, 14 нафар кишини ўлдиришди. Ҳалок бўлганлар ичида тўрт нафар бола ҳам бор. Тамиллар ҳинду динида бўлиб, улар Шри-Ланкани ажратиб олиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг ҳужумлари туфайли ҳозиргача 42 минг киши ҳалок бўлди.

## ЧЕЧЕНИСТОНДА САЙЛОВ БЎЛИБ ЎТДИ

15-16 июнь кунлари Чеченистонда Россия Президентлигига сайловлар билан бир қаторда миллий парламентга ҳам сайловлар бўлиб ўтди. Сайлов участкаларида ҳеч қандай террористик хуружлар кузатилмади.

*Мухбиримиз бонг уради*

# АРЗОННИНГ ШЎРВАСИ ТАТИМАС

## ёхуд чанқовбосди ичимликлар бозоридаги ташвишли манзара

***«Нукуспивозавод» ҳиссадорлик жамияти Қорақалпоғистонда турли хил чанқовбосди ичимликларни саноат асосида ишлаб чиқарадиган ягона йирик корхонадир.***

У бундан ярим асрча муқаддам барпо этилган. Етмишинчи йилларда корхона маҳсулотлари харидоргир бўлгани туфайли одамлар уларни излаб топишолмасди, десак ишонаверинг. Лекин бугунги кунда бу ерда ишлаб чиқарилаётган ичимликларнинг ёнига лотерея билетини қўшиб берсангиз ҳам, уларни биров олиши қийин. Чунки сифати паст. Бу ҳол маҳсулот ишлаб чиқариш кўламининг кескин камайишига олиб келаяпти. Қуйидаги рақамларга эътибор беринг:

1990 йилда заводда 353 минг деколитр пиво, 259 минг деколитр алкоголсиз ичимликлар, 3240 минг дона шиша маъданли сув ишлаб чиқарилганди. Ўшанда жамоада 104 киши меҳнат қиларди. 1992 йили 100 минг деколитр пиво, 40 минг деколитр алкоголсиз ичимликлар, 312 минг шиша маъданли сув тайёрланган. Ва, ниҳоят, ўтган йили ҳиссадорлик жамиятида 10 минг деколитр пиво, 7,6 минг деколитр алкоголсиз ичимликлар, 1024 шиша маъданли сув ишлаб чиқарилди. Бошқача айтганда, 1995 йилда 1990 йилга нисбатан пиво пишириш ва алкоголсиз ичимликлар тайёрлаш деярли 36 баробар, маъданли сув ишлаб чиқариш эса 3 ҳиссага камайтириб юборилган. Сабаби ҳиссадорлик жамиятида истеъмолчиларнинг талаб-эҳтиёжлари ҳисобга олинмаяпти. Мана, бир мисол. 1993 йили 10,3 тонна, 1994 йили 3 тонна кисель тайёрланган бўлса, ўтган йилдан бошлаб бу маҳсулот турини ишлаб чиқариш умуман тўхтатилган. Қолоқликнинг сабаби нима?

— Сабаблар кўп, — дейди корхона раҳбари Владимир Ким. — Аввало, таъминот масаласи чатоқ. Истеъмолчилардан талаб кам тушаяпти. Ўтган йили савдо ташкилотлари шартномани бажармадилар. Очиқроқ айтганда, белгиланганига нисбатан 10 фоизгина пиво олишди, холос. Ишлаб чиқарган маҳсулотларимиз кетмаяпти.

Тўғри-да, кетмайди ҳам. Чунки бугунги харидорда танлаш имконияти бор. Ақли расо киши сал қимматроқ бўлса ҳам, сифатли нарсани харид қилишни истайди. Айтайлик, Нукус бозорида юпқа тунука қутичаларга қуйилган хориж пиволарининг ҳар литри ўртача 100 сўм. Худди ўша бозорда Қибрай мажмуасининг бир литр пивоси, идиш баҳосини қўшмаганда, 30 сўмдан зиёдроққа сотилаётир. Нукус заводининг маҳсулотини эса бозорга олиб чиқиб сотиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди. Арзоннинг шўрваси татимайди, дегани шу-да.

Нукусдаги дўконларда кўпинча шундай манзараларга дуч келамиз: пештахта олдига келган харидор энг аввало, «Бу қаернинг пивоси?» деб сўрайди. «Нукусники» деган жавобни эшитганлар елка қисиб кетишаверади. Чунки кўпчилик Тошкент пивосининг мазасига ўрганган. Ҳар шишасини йигирма сўмдан бўлса ҳам оғринмай олади. Айни пайтда Нукуснинг арзонгаров (литри 10 сўмдан) пивосига талабгор йўқ. Нима учун?

Гап шундаки, туси, ҳиди, қуюқлиги, балким, таркибидаги айрим бошқа кўрсаткичлари пивога ўхшагани, шишанинг қорнига чиройликкина ёрлиқча қистириб қўйилгани билан бу маҳсулотни «пиво» дейиш қийин. Унинг чучмал таъмини бир тотиб кўрган киши камида уч кун туфигини ичига ютолмасдан, туфлаб юрса ажаб эмас. Етти йилдан буён ушбу корхонага раҳбарлик қилиб келаётган В. Ким эса айбни бошқаларга тўнкаб, ўзини оппоқ кўрсатишни хуш кўради. Унинг айтишича, ҳалемай янги навли — таркибида 2,8 фоизга яқин алкогол бўлган «Нукус», «Қоратоғ» пиволари чиқарилар экан. Ишда изланиш борлиги яхши, албатта. Лекин маҳсулотнинг сифати олдингидай бўлса, унга харидорни қаердан топасиз?

Бу — ҳаммаси эмас. Қаранг, завод лабораторияси бошлиғи пиширилаётган пиво ҳароратининг неча даражада бўлишини билмайди. Малакасизлик, совуққонлик алал-оқибат иш жараёнига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Кунига 20 тонна пиво тайёрлаш қувватига эга бўлган ушбу корхона кейинги 10 кун мобайнида савдога атиги 1 тонна атрофида пиво жўнатган, холос. Ўша маҳсулот ҳам ё сотилади, ёки йўқ. Илгари заводда даволаш мақсадларида ишлатиладиган «Нукус» маъданли суви чиқарилар эди. Таркибида тузи кўп бўлган ушбу ичимлик меъда ширасида кислота етишмаган хасталарни даволашда қўлланилади. Эҳтимол, бошқа жойларда бундай маҳсулотга эҳтиёж кучлироқдир. Бироқ истеъмол суви ўта шўр бўлган Қорақалпоғистон шароитида «Нукус» ичимлигини чиқаришга қандай зарурат бор эди, деган ҳақли савол туғилади. Табиийки, бу уриниш ҳам ўзини оқламагач, маъмурият «хато»ни тузатишнинг осон йўлини топди. Олдинги маҳсулотни тайёрлаш учун ер тагидан чиқадиган маъданли сувга 50 фоиз водопровод суви қўшилган бўлса, янги оддий (столовой) маъданли ичимликни тайёрлаш учун ер ости сувига уч ҳисса кўпроқ водопровод суви қўшила бошланди! Қарабсизки, тамомила бошқа таркибдаги маъданли сув «ихтиро» қилинди. Лекин у ҳам ҳалигача ўз истеъмолчисини топганича йўқ. Савдо пештахталарида узоқ туриб қолаётгани шундан далолат.

Очиғини айтганда, завод маҳсулотлари бозор шароитида энг кучсиз рақобатга ҳам бардош бера олмаётир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда 1990 йилдагига нисбатан 2,8 фоиз ҳажмида алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқарилмоқда, холос.

Ваҳоланки, корхона қарийб 1,5 миллион аҳолидан иборат бўлган истеъмол бозорига эга. Хўш, нима учун маҳаллий савдо ташкилотлари, тадбиркорлар қанчадан-қанча сарфу харажат эвазига пиво, лимонад ёхуд маъдан сувларини минглаб чақирим узоқдан ташиб келтирмоқдалар? Харидорлар ана шу маҳсулотларни нега 5—10 ҳисса қимматига сотиб олишлари керак?

Бунинг сабаби аён: корхона чиқараётган маҳсулотларда бозор шароитида энг зарур, энг асосий кўрсаткич — сифат етишмайди. Агар куч ва имкониятлар ишга солиниб, ана шу муаммо тўла ҳал этилганида борми, маҳсулотларга ҳозиргига нисбатан уч ҳисса қимматроқ баҳо белгиланганида ҳам, савдо ташкилотларию, тадбиркорларнинг юк машиналари завод дарвозаси олдида турнақатор турган бўлар эди. Наҳотки, жамоадагилар ана шу оддий ҳақиқатни тушуниб етмаётган бўлсалар?

**Ҳайитбой АБДУСОДИҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



**Термиз туманидаги «Янгиариқ» жамоа хўжалиги чорвадорлари қўзилатиш мавсумини кўнгилдагидек якунлашди.**
**Суратда: бош чўпон Ж. Абдулов.**
**И. Хўжаев олган сурат.**

*Анкета*

# «ХАЛҚ СЎЗИ» ВА ГАЗЕТХОН

## ТЕПСА-ТЕБРАНМАСЛАРНИ АЧИТИБ ЁЗАВЕРИНГЛАР

**Гадой МЕЛИЕВ,**
**Меҳнат фахрийси, Жомбой тумани:**

1. Мен «Халқ сўзи»ни 1991 йил январь ойидан бери ўқиб бораман. У мен учун севимли ва ўқимишли газета.

2. Газетанинг 1995 йил 3 январь сонидаги «Шоду хуррам давлати дийдорига мағрур эди...» мақоласи менга оила ва жамият нуқтаи назаридан жуда маъқул тушди. Бундан ташқари, «Бир пиёла чой устида» дам олиш саҳифасида бериладиган қизиқ воқеалар, ҳикоя ва мақолалар барчага ёқади, деб ўйлайман. Айниқса, Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан чоп қилинаётган мақолалар, профессор Акмал Саидовнинг фактларга бой материаллари бизни тарих саҳифаларидан хабардор этмоқда.

3. Мақолаларнинг мазмуни тушунувчан бўлишига, қизиқарлилигига эътибор берилаётганлиги айни муддао. Унинг ҳар бир сони юқори савия билан безатилган ҳолда чоп қилинаётир.

4. Мен газета орқали Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Йўлдош Охунбобоев, Шароф Рашидовлар ҳақидаги мақолаларни ўқиб боришни жуда истар эдим.

5. Бу саволни очиқ қолдираман.

6. Менимча, газета савиясини янада ошириш учун қишлоқ аҳолисига маданий-маиший хизмат кўрсатишни, жойларда Фармон ва Қарорлар сустлик билан бажарилаётганлигини аямасдан танқид қилиш, «тепса-тебранмас» раҳбарларнинг халқ ташвиши билан шерик бўлмаётганлигини ачитиб ёзиш керак!

7. Газетанинг 1996 йил 14 январь сонида «Ватан посбонлари» саҳифасида берилган мақолалар йил давомида вақти-вақти билан бериб борилса, ёшлар тарбиясида аҳамияти катта бўлур эди. Ҳикоя, шеър, новелла, спортимиз муаммолари ёки шу йил 29 февраль сонидаги ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» сингари материаллар ўқувчиларни кўпроқ қизиқтиради, деб ўйлайман.

## ҚЎЛИГА ТОКҚАЙЧИ ОЛГАНЛАРГА МАСЛАҲАТЛАР БЕРИБ БОРСАНГИЗ

**Умар СИДИҚОВ,**
**нафақахўр,**
**Туйтепа шаҳри:**

Мен «Халқ сўзи» газетасига 1991 йилдан буён обунаман. Унда эълон қилинаётган айрим мавзудаги тарихий материалларни қизиқиб ўқийман. Баъзи мақолаларнинг мазмуни мени қониқтирмайди.

Мен Ўзбекистонда чиқадиган барча газеталарни оламан. Деярли ҳаммасида 50-60 фоиз бир хил масалалар ёритилади. Гапнинг қисқаси газетанинг савияси мени унчалик қаноатлантирмайди.

Газета орқали Азиз Қаюмов, Иброҳим Ғафуров, Саид Аҳмад, Шукрулло билан учрашишни истардим.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида ҳар бир соғлом одам қўлига кетмон, токқайчи олиб, ўз боғида ишлагиси келади. Бироқ ҳамма ҳам деҳқончилик, боғдорчилик сир-асрорларини билавермайди. «Труд» газетасига ўхшаб бир ойда лоақал икки марта турли маслаҳатлар бериб борилса, яхши бўларди.

## ОДДИЙ ОДАМЛАР ҲАЁТИ КЎПРОҚ ЁРИТИЛСА...

**Мирзамурод АЛИМОВ,**
**иккинчи гуруҳ уруш ногирони, меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри:**

1. «Халқ сўзи»га 1991 йилдан бери обуна бўлиб келаяпман.

2. Республикамиз ҳаётининг ҳар томонлама ёритиб борилиши маъқул. Бу газетага бўлган қизиқишни янада кўчайтиради, деб ўйлайман.

3. Менимча, мақолаларнинг мазмуни атрофлича чуқур муҳокамадан ўтказилиши туфайли бўлса керак, сўзлари тишга тегмайдиган, равон. Шунингдек, мисол ва далиллар билан бойитиб берилиши яхши.

4. Менимча, ҳар бир машҳур киши газета саҳифасидан ўрин олишга ҳақли. Шу тоифа кишиларнинг ҳаёти қанчалар кўп ёзилса, бу ёш авлодимиз учун шунчалик ибрат бўлади, деб ўйлайман.

5. Агар газетада оддий одамлар ҳаёти кўпроқ ёритилса ва турмуш икир-чикирларига бот-бот мурожаат қилиб турилса, оддий фуқаро учун қизиқарлироқ бўлар эди. Халқнинг сўзига қулоқ тутиш, унинг дардига малҳам бўлиш газетанинг зиммасида бўлиши керак.

6-7. Газетанинг янада қизиқарлироқ чиқиши қаламкашларнинг меҳнати, жонкуярлиги ва савиясига боғлиқ.

Баъзан газетангиз саҳифалари реклама ва эълон билан деярли тўла бўлади. Тўғри, пул ҳам керак...

Яна таъкидлаб айтмоқчиманки, халқ ҳаёти кўпроқ ёритиб борилса, спорт хабарлари мунтазам, кечиктирмай берилса, хилма-хил, қизиқарли мавзуларга мурожаат қилинса, аминманки, газетангиз мухлислари янада кўпайиб бораверади.

Бугуннинг гапи

# ҚИШЛОҚДА ИШБИЛАРМОНЛИК ВА УНИНГ МУАММОЛАРИ

***Янгича иқтисодий тизим ўзининг янгича муаммолари ва талаблари билан билими, савияси ва бошқа салоҳиятларидан қатъий назар фуқаролардан яхшироқ яшаш, ҳам жамиятга, ҳам ўзи учун кўпроқ манфаат келтирадиган қулайроқ имкониятларни излашга мажбур қилади. Давр талабидан келиб чиқувчи бу зарурий эҳтиёж маълум табақа кишиларида улар қаерда яшашидан ва ишлашидан қатъий назар ишбилармонликка интилишни юзага келтиради.***

Хўш, ишбилармонликнинг ўзи нима? Бу бирон бир амалий эҳтиёж юзасидан энг қулай ва энг фойдали усулни топиш орқали кўпроқ манфаатдорликка эришишдир. Мадомики, биз қишлоқдаги ишбилармонлик ҳақида сўз юритар эканмиз, фикримизни ойдинлаштириш учун бу соҳада амалга оширилаётган баъзи ишлардан мисол келтирамиз. Токи, ўқувчи бу соҳадаги қийинчилик ва тўсиқлардан тўғри тасаввур ҳосил қилсин.

Поездда менга ҳамроҳ бўлган суҳбатдошим шундай ҳикоя қилади:

— Мен Андижон вилоятиданман. Ўтган йили хўжалик раҳбари билан келишиб учдан бир қисмини хўжаликка топшириш шарти билан зовур бўйига (3 км) ошқовоқ экдим. Ер узоқ вақт экилмай, офтобда куйиб ётгани учун озгина меҳнатим эвазига қарийб 90 тонна ошқовоқ олдим. Шундан 30 тоннасини хўжаликка топшириб, 40 тоннасини бозорда пуллаб, 120 минг сўм даромад қилдим (бозорда бир кило ошқовоқ 5 сўм бўлганда мен 3 сўмдан сотдим). 10 тоннасини маҳалламдаги камхарж оилаларга бўлиб бердим. Қолгани ўзимизга ва молларимизга ризқ бўлди. Бу йил раҳбар ўзгариб қолди. 10 километрга экмоқчи эдим. 80 фоизини берасан, деб мен билан шартнома тузмади.

— Энди нима қилмоқчисиз?

— Тошкентга бориб, кичкина ун тегирмони олиб келмоқчиман. Ҳозир бунга талаб катта. Ахир катта-катта майдонларга ғалла экилаяпти-ку.

— Ҳозир шундай тегирмонлар борми?

— Ҳа, бор. Мана, Йўлдошвой тегирмонида ҳар ўн килодан бир кило ғалла олиб, ун қилиб бераяпти. Мен ўн килодан ярим кило олмоқчиман. Қарабсизки, одамлар ҳам хурсанд, менинг ишим ҳам юришади.

Худо хоҳласа, келаси йил раҳбаримиз рози бўлса, ташламалардан 12 километрига терак экишни мўлжаллаб қўйдим. Чунки вилоятимизда ёғоч масаласи ҳам муаммога айланмоқда. Ўзбек эса уй солмай туролмайди. 10 йилда росмана қурилишбоп тахта-ёғоч тайёр бўлади.

— Жуда кўп кўчат керак бўлади, уни қаердан оласиз?

— Баҳорда 12 сотих ерга 20.000 туп қаламча қадагандим. Ҳозир қарийб ҳаммаси амалга кирди. Кузгача яхши ишлов бериб турсам, 1,5 метрдан ошиб қолади. Мана, беминнат терак кўчати.

— Тегирмондан тушадиган ғалла ҳисобига новвойхона қурсангиз яхши бўларди...

— Қурса бўларди-ку, лекин...

— Нима лекин?

— Бир шаҳарлик дўстим бор. Маблағларини сарфлаб, ошхона қуриб, кўп қийинчиликлар билан уни очди. Қариндош-уруғлардан анча маблағ қарз бўлди. Бироз ишлагандан кейин, ўзининг айтишича, ўн битта текширувчи ташкилот раҳбарлари ва мутахассислари бепул овқатланадиган бўлишипти. Пировардида ошпазу қоровулларнинг ойлигини тўлаёлмай, беркитди. Нега беркитдинг десам, бошини хам қилиб «Эй, ошна, бир текширувчи яқинда ўзидан ташқари уйига келган меҳмони ва 3 фарзандини олиб келиб, овқатланиб кетди. Шуниси ёмон таъсир қилди. Пул бер десам, албатта, душман бўлиб қолади, унда уйимни сотиб ҳам қутулолмайман. Шунинг учун ошхонани сотиб, олган масаллиқлар ҳақи ва ошпазлар ойлигини тўлаб, қолган пул билан Ипподромга қатнамоқчиман. Балки болаларимнинг ризқи ўша ердадир», деб жавоб берди.

— Аслида ким ишбилармон — ишлаб чиқараётганми ёки олиб сотаётганми?

— Фикримча, у ҳам, бу ҳам — ишбилармон. Чунки иккиси ҳам ўз имконияти доирасида даромад топиш ҳаракатида. Аммо уларнинг фойда олиш усулларида фарқ катта. Буни Солиқ қўмитаси ҳамда банк мутахассислари яхши билиб олишса фойдадан холи бўлмасди.

Олди-сотди билан шуғулланувчи ўз фойдасини шаклланган, тугалланган, белгиланган нарх устига қўяди. Иккинчиси эса ўз фойдасини ишлаб чиқаришдаги тугалланмаган нархда мужассамлаштиради. Биринчиси, бозорда ёлғизликка интилиш орқали ўз равнақини таъминлашга интилса, иккичиси ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқариш орқали эришишга ҳаракат қилади. Биринчисида шахсий манфаат устивор бўлса, иккинчисида жамият тараққиёти ва инфраструктура равнақини белгиловчи ҳамда ишсизликни бартараф этадиган омиллар мавжуддир.

Туркияда кўплаб ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан улгуржи олиб, четга чиқариб сотсангиз, харид нархингизнинг маълум қисмини давлат банки қоплаши кафолатланган. Бундай тартиб Япония ва бошқа тараққий этган давлатларда ҳам мавжуд бўлиб, қоплама фоизлари анча юқоридир. Чунки бунинг замирида ишсизликнинг олдини олиш масаласи ётади.

Ишбилармонликда сув билан ҳаводек зарур бўлган яна бир омил ҳалолликдир. Буни қуйидаги мисолда яққол кўриш мумкин. Айтайлик, шлакоблок ишлаб чиқарувчи цех эгаси фойда кетидан қувиб, қолипларга солинадиган қоришма миқдорини бироз камайтирди ва бунинг эвазига аввалги 10 та ўрнига 12 та блок тайёрлашга эришди. Ана шу иккита ортиқча маҳсулот ҳисобига маълум вақтгача даромад ҳам ошди. Аммо синчков мижозлар бу цехдан чиқаётган блоклар бошқа жойлардагига нисбатан бироз чоғроқ бўлиб қолганини сезишиб, уни олмай қўйишди. Ҳатто, нархини пасайтирганларидан сўнг ҳам бу цехнинг блоклари ўтмай қолди. Охир-оқибатда у банкротга учради.

Биз ушбу мақолада ишбилармонлик қирраларидан баъзиларини иложи борича соддалаштирган ҳолда тушинтиришга ҳаракат қилдик. Ўз устида ишлаш, керакли қонун-қоидалардан етарлича хабардор бўлиш, ҳалоллик ва тўғрилик, иқтисодиётнинг нозик томонларини билиш қишлоқ ишбилармонлари учун қанчалик зарур бўлса, биз юқорида тилга олган муаммолар ечими ҳам шунчалик муҳимдир.

**А. ТУРСУНОВ,**
**қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.**

Тажриба синовдан ўтди

# ТАЪМИНОТ БОШҚАРМАСИ ДЕҲҚОННИНГ ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛАДИ

***Давлат, жамоа, ижара, ширкат, деҳқон (фермер) хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарида етиштирилаётган мева, сабзавот, полиз ва чорвачилик маҳсулотларини аҳолига воситачисиз сотиш ва шу орқали сансалорликка ва исрофгарчиликка барҳам бериб, хўжаликларнинг иқтисодиётини мустаҳкамлаш мақсадида 1993 йилнинг августида вилоят ҳокимлигининг қарори билан Андижон вилояти деҳқончилик-саноат уюшмаси ҳузурида таъминот бошқармаси тузилганди.***

***Мана орадан салкам уч йил вақт ўтди. Хўш, фақат Андижон вилоятида тажриба тариқасида ташкил этилган бу янгича тузилма синовдан муваффақиятли ўтдими, кутилган мақсадга эришилдими? Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Мансурбек Султоновдан шу ҳақда сўзлаб беришни илтимос қилди.***

— Шундай бошқарма зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этди. Ўша кезларда мен вилоят деҳқончилик-саноат уюшмасининг раиси вазифасида ишлардим. Юртбошимиз иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида қишлоқ хўжалигидаги мулк шакли ва бошқарув тизимини тубдан ўзгартириш вазифасини қатъий қилиб қўйди. Буни бажариш учун янгидан барпо этилаётган жамоа ва ижара хўжаликлари, деҳқон (фермер) ва ширкат уюшмалари, чорвачилик ҳиссадорлик жамиятлари фаолиятини янада жонлаштириш мақсадида улар етиштираётган маҳсулотларни жойида шартнома асосида қабул қилиб, мақбул нархларда сотиш ва шундан тушган маблағ ҳисобига техника, эҳтиёт қисм, ўғит, уруғлик ва керак бўлса қурилиш ашёлари келтириб, маҳсулот етиштираётганларни таъминлаб туриш лозим бўларди. Биз тажриба тариқасида ташкил этган таъминот бошқармаси ана шу оғир, аммо хайрли юмушни уддалаши лозим эди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилиши мумкин: ахир, ҳамма жойда тайёрлов ташкилотлари ишлаб турибдику, яна битта воситачи нимага керак?

Карвон кўп, ризқи бўлак, деган нақл бор. Қолаверса, тайёрлов-савдо ташкилотлари билан янги тузилган таъминот бошқармаси фаолиятларида кескин фарқ қиладиган жиҳатлар бор. Айтайлик, хўжалик ёки деҳқон (фермер) маҳсулотини тайёрлов-савдо идорасига сотса, фақат пулини олади, бошқа ёрдам кўрмайди. Бунинг устига тайёрловчилар маҳсулотни энг арзон нархда олишга ҳаракат қилишади ва кўрган фойдалари ўзлариники бўлади.

Ўша маҳсулот таъминот бошқармасининг жойлардаги қишлоқ хўжалиги таъминот шўъбаларига сотилса, биринчидан, нархи ерга урилмайди ва топширувчи ҳақини шартнома асосида олади. Иккинчидан, юқорида айтганимиздек, хўжалик ва деҳқон (фермер)лар техника, эҳтиёт қисм, ўғит, ёнилғи ва уруғликнинг ташвишини қилмай, фақат экинига қарайди.

Ўтган салкам уч йиллик муддат таъминот бошқармалари номига яраша иш тутса, деҳқоннинг оғирини енгил қилиши мумкин эканлигини кўрсатди. Масалан, 1995 йилда Андижон тумани шўъбаси харид қилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини айирбошлаш йўли билан Қозоғистондан 543 тонна буғдой, 8900 дона шифер, Шаҳрихон тумани шўъбаси 272 тонна кўмир, 252 тонна ош тузи, Избоскан тумани шўъбаси 240 дона аккумулятор батареяси, 10 минг жуфт калиш олиб келиб, шартнома асосида маҳсулот топширганларга сотди. Жалолқудуқ ва Кўрғонтепа тумани шўъбалари эса хўжаликларда етиштирилган қизилчани сотиб, уларга шакар олиб келиб берди.

Таъминот бошқармасининг зарурлигини шундан ҳам билса бўладики, агар 1994 йилда вилоят бўйича товар обороти 34 миллион сўм бўлса, 1995 йилда 37 миллион 215 минг сўмга етди. Олинган соф фойда қарийб ярим миллион сўм кўпайиб, 2 миллион 400 сўмдан ошди. Шу икки йил давомида вилоят бюджетига солиқ орқали 3,5 миллион сўмдан зиёд пул тушди.

Ўтган уч йил ичида тумандардаги таъминот шўъбаларининг моддий-техника базаси анча ривожланди, мустаҳкамланди. Чунончи, Избоскан тумани таъминот шўъбаси икки йилда 450 минг сўм сарфлаб, омборхона, учта савдо дўкони қурди. Кимошди савдосида 140 минг сўмга ҳаммом ва чойхона сотиб олди. Шўъбанинг қурилиш бригадалари хўжалик ва деҳқон (фермер)ларга, аҳолига пулли хизмат кўрсатмоқда. Хўжаликлараро «Машъал» болалар оромгоҳини шўъба ўз тасарруфига олди.

Туман ва шаҳар халқ маорифи бўлимлари, марказий шифохона жамоалари гўшт; сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш юзасидан фақат шўъба билан шартнома тузмоқдалар. Бу маҳсулотлар шўъба орқали бюджет таъминотидаги истеъмолчиларга етказиб берилаётгани туфайли ўтган йили туман бюджети қарийб 6 миллион сўм маблағни тежаб қолди. Буни шундай изоҳлаш мумкин: 1995 йилда бюджет таъминотидаги ташкилотлар гўштнинг ҳар килосини савдо тармоқлари орқали 24,5 фоиз устама ҳақи билан 61 сўм 27 тийиндан олишган бўлса, таъминот шўъбаси орқали 5-8 фоиз устамаси билан 49 сўм 20 тийинга тушди, бюджетдан эса дотация тўланмади.

Деҳқончилик-саноат уюшмасига тақдим этилган талабномаларига биноан таъминот шўъбалари бу йил жамоа ва деҳқон (фермер) хўжаликлари, ижара ва ширкат уюшмалари билан 4550 тонна картошка, 4460 тонна сабзавот, 3530 тонна мева, 30 тонна қуруқ мева, 3500 тонна сут ва 1800 тонна гўшт қабул қилиш юзасидан шартномалар тузди. Бу аввалги йилларга нисбатан анча кўпдир.

Хулоса қилиб айтганда, Андижон вилояти туманларида тажриба тариқасида ташкил этилган таъминот шўъбаларининг фаолияти уч йиллик синовдан муваффақиятли ўтиб, барча афзал жиҳатларини амалда намоён этди. Чунончи, у хўжалик ҳисобида иш юритиб, на бюджетдан, на бошқа бирор ташкилотдан маблағ олмайдиган, яъни ўзини ўзи маблағ билан таъминлайдиган тузилмадир. Ва, аксинча, қишлоқ хўжалик корхоналари оғирини енгил қилиш ҳисобига ўзи топаётган соф фойданинг 35 фоизини тармоқдаги янгиликларни жорий этиш ва илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадлари учун вилоят деҳқончилик-саноат уюшмалари, бинобарин, туман агроҳизмат ташкилотлари ҳисобига ўтказади. Бундан ташқари, турли хайрия ва меҳр-мурувват тадбирларида фаол қатнашиб, муҳтож ва кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлайди.

Яқинда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони матбуотда эълон қилинди. Унда «хўжалик юритувчи субъектлар томонидан монополистик фаолиятнинг, товар ва молия бозорларида устунлик мавқеининг суиистеъмол қилинишининг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик, ноҳалол рақобатга ва истеъмолчилар манфаатларининг камситилишига барҳам бериш чора-тадбирларини кўриш» зарурлиги алоҳида бандда уқтирилган. Андижонлик таъминотчилар амалда исбот этган илғор тажрибани жойларда кенг оммалаштириш ушбу Фармонда таъкидланганидек, мамлакатнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида соғлом рақобатни ривожлантиришга самарали ҳисса қўшган бўлур эди. Ана шунда республика қишлоқ хўжалиги ўзининг янгича, яъни бозор муносабатларига айнан мос тушадиган харид-қайта ишлаш-савдо-таъминот ташкилотига эга бўларди. Бундан ҳам маҳсулот етиштирувчилар, ҳам истеъмолчилар, ҳам маҳаллий бюджетлар моддий манфаат кўради. Таъминот шўъбаларининг навбатдаги муҳим вазифалари эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жойида қайта ишлаш цехлари ва кичик корхоналарини қуришдан, хорижий мамлакатлар билан мустақил ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, маҳсулот экспорт қилишни йўлга қўйишдан иборат бўлиб қолади.

**«Халқ сўзи»нинг деҳқончилик мажмуи бўйича шарҳловчиси А. ЙЎЛДОШЕВ ёзиб олди.**





Меҳнатобод туманидаги «Меҳнатобод» ширкатлар бирлашмаси деҳқонлари бу йил ғалладан мўл ҳосил етиштиришди.
Суратларда: 1-ширкат раиси Т. Низомиддинов ва «Меҳнатобод» ширкатлар бирлашмаси раиси Р. Ахмедов; механизатор Н. Жўраев; янги қурилган уйлар
Ш. ОЛИМОВ ва Б. ТЎРАЕВ олган суратлар.



# ҒОЛИБЛАР АСАРЛАРИДАН ХАЛҚАРО КАЛЕНДАРЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти марказий қўмитасининг ташаббуси билан республика Маданият ишлари, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари ва Рассомлар уюшмаси ҳамкорлигида Маннон Уйғур номли Тошкент давлат санъат институтида VI анъанавий Плакатлар танлови ташкил этилди. Унда Тошкент, Жиззах, Андижон, Наманган вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидаги олий ва ўрта махсус санъат билим юртлари талабалари ҳамда мўйқалам тебратишга лаёқатли ҳаваскор-ижодкорларнинг ижод намуналари намойиш қилинмоқда. «Спид», «Гиёҳвандлик», «Орол» каби асримизнинг долзарб муаммоларини ўзида мужассамлаштирган асарлар, айниқса, «Инсонпарварлик ва меҳр-мурувват халққа» шиори остидаги плакатлар кўпчиликда катта таассурот қолдиряпти.

Халқаро Қизил Хоч Қўмитасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси раҳбари Домeник Вуфф ушбу танловда саралаб олинган 12та плакат асосида жаҳон миқёсидаги календар тайёрланиб, дунёнинг турли бурчакларида сотувга қўйилишини маълум қилди. Танлов қатнашчиларига Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти марказий қўмитаси биринчи, иккинчи, учинчи ўринлар учун ва яна ўнта рағбатлантирувчи пул мукофотлари ажратди.

**Зулайҳо СОДИҚОВА.**

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!
Халқ банки 1996 йил 1 июндан аҳолига
"Рағбат" ва "Омад"
номли янги омонат турларини таклиф қилади.
"Рағбат"
номли омонатга пул топшириб, Сиз ойига 4 фоиздан даромад олиш билан бирга омонат қолдиғининг 80 фоиз миқдорида имтиёзли кредит олиш ҳуқуқига эга бўласиз.
Омонатнинг энг кам миқдори 3000 сўм.
Сақланиш муддати - 6 ой.
Ютуқли омонат
"Омад"га
пулингизни топшириб, жуда катта ютуққа эга бўлиб, омадингиз чопиши ҳеч гап эмас!
Бу омонат тури "талаб қилиб олгунча" омонат тури каби кирим ва чиқим муомалаларини бажариш ва фоизлар қўшиб бориш билан бирга ҳар ярим йилда даромадингизни 3 мартадан 20 мартагача ошириш имкониятини беради.
Халқ банкида омадингизни синаб кўришни таклиф қиламиз!
ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!
Халқ банки ўзининг анъаналарига содиқ қолган ҳолда бу йил ҳам Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан 1 июнда дунёга келган барча чақалоқлар номига мақсадли болалар омонатларини очиб, 400 сўмдан суюнчи беришини маълум қилади.
Шунингдек, сафимизга қўшилган жажжи ватандошларимизнинг ота-оналарига уларни Ватанимизнинг садоқатли фарзандлари қилиб тарбиялашларига ишонч билдиради.

„Ўзпўлатқурилма"
трести жамоа корхонасининг механизация бошқармаси корхоналар ва қурилиш ташкилотларига ўз тасарруфидаги:
МКПС-100; КТ-100,1; КС-8161,8362; СКП-63/100; СКТ-40,40/63; МКТ-40;
МКТ-25БР; МКП-25; 25А,16,16М; КМТ-8,6,3; МСК-10/20; КК-32; СКТ-401;
ТГ-123 русумли автокранларни ва ўзи юрар кўтарма кранларни фойдаланиш учун тавсия этади.
Тўлов ҳақи келишувга кўра олдиндан ҳисоб-китоб қилинади. Тўлов шакли турлича, вексел ҳам оламиз.
Манзил Тошкент ш., Чоштепа кўчаси-35"А" (Зангиота тумани, Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги ҳудудида).
Тел.: 50-46-37, 50-42-57.

33-АТС АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
33-АТСда замонавий рақамли ускуналарга ўтилиши муносабати билан 1996 йил 1 июндан бошлаб шаҳар ичида қўнғироқ қилиб гаплашиш учун вақтбой ҳақ тўлаш жорий этилади.
Бунда абонентлар олдиндан жорий ойнинг 15-кунига қадар ойига 42 сўмдан (корхоналар учун 860 сўм) абонент ҳақини тўлашлари лозим бўлади. Бу уларга ҳар ойда шаҳар ичкарисида 180 дақиқа гаплашиш ҳуқуқини беради.
Лимитда белгиланганидан ортиқча гаплашилган ҳар дақиқа учун 30 тийин ҳақ ундирилади. Лимитдан ортиқча гаплашилган вақт автомат тарзда ҳисоблаб борилади ва абонент ҳақи тўлган ойдан кейинги ойнинг 15-кунига қадар счёт юборилади.
Абонент ҳақини ўз вақтида тўлаб боришни ва лимитдан ортиқча гаплашилган вақт учун ҳисоб-китоб қилишни сўраймиз.
Маълумот учун тел.: 34-24-35.
Тошкент шаҳар телефон алоқалари ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.

"Илғор-Е" (Тошкент) фирмаси
"Юни Мебл" (Қоҳира) фирмаси
"Илғор-Е" (Тошкент) фирмаси
"Юни Мебл" (Қоҳира) фирмаси
билан ҳамкорликда Мисрда ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли моллари кўргазмасига таклиф этади.
Кўргазма Тошкент шаҳар Ш. Рашидов шоҳ кўчаси,40-уй, Ўзбекистон рассомлар уюшмасининг кўргазмалар залида 1996 йил 24 июндан 29 июнгача давом этади.
Телефонлар: 50-06-67, 50-47-82, факс: 50-47-76.

